

Ўзбек миллий музыка-маданияти, ҳусусан созандалик санъати зарварларида ўз халқининг эътиборини қозонган иқтидорли санъаткорлар бор. Уста Олим Комилов, Муҳиддин Қори Ёқубов, Тарахоним, Жўраҳон Султонов, Тўхтасин Жалилов, Фахриддин Солиқов, Ганижон Тошматов, Фозил Харратов каби устозлар шулар жумласидан. Халқимиз маънавиятини шакллантиришда ва ёшларни миллий, айти пайтда халқчил санъатга ошурта бўлишларида устозлар яратган асарлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Ана шундай улуғлар сабоғидан баҳрамандлик бахтига муяссар бўлган бастакор, созанда, мураббий, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тилаш Хўжамбердиевдир.

Тилаш оддий оилада туғилиб, вояга етган бўлсада, унинг дадаси дутор чертганда эшитган кишилар офарин айтган. Тилашнинг қўлоғи халқона мусиқий оҳанглар, миллий қўшиқлар ва дуторнинг сирли ва мафтункор садолари билан пишиб борди. Шу боис бўлса керак, у ўрта мактабни тугатиб Хамаза номли мусика билим юртининг талабаси бўлди. Кейинроқ эса Тилаш Тошкент давлат кон-

серваториясида машҳур чанчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фозил Харратовдан чанг ижрочилиги сир-асрорларини ўрганди. Созандалик маҳор-

САНЪАТ БАСТАКОР БАХТИ

рати бобидаги илм ва билимларини такомиллаштиришда. Бу даврда Тилаш оддий ўзбек халқ кўйлари Дуланча, Қашқарча қабилалардан мураккаб миллий



классик туркум асарлар «Муножот», «Гиря», «Насруллоҳ» ҳамда «Шашмақом» шўьбаларини ижро эта олиш даражасига етди.

24 йилдики, Т. Хўжам-

бердиев Ўзбекистон телевидениеси қўшилаги халқ чолғу созандалари ансамблига бадий раҳбар сифатида фаолият кўрсатмоқда. Кўпгина таниқли ва машҳур санъ-

аткорларнинг мазкур ансамбли билан ижодий ҳамкорлиги натижаси ўлароқ, радио тўқинларида, телевидение кўрсатувларида янги-дан-янги дастурлар янгра-

моқда. Улар орасида Халқ артисти Саодат Қўболова, Ўзбекистон халқ артистлари Толибжон Бадинов, Нуриддин Ҳамроқулов, Ўзбекистон халқ ҳофизлари

Эсон Лутфуллаев, Ўлмас Саиджонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Қобилжон Юсуповлар бор.

Санъаткор фаолиятининг яна бир муҳим қирраси — у Тошкент давлат маданият техникумида ёшларнинг сеvimли устозидир. Иқтидорли ёшлар бу ерда Т. Хўжамбердиевдан ҳам созандалик, ҳам хонандалик, ҳам бастакорлик санъатидан таҳсил олмоқдалар.

Кейинги йилларда санъаткор Тилаш Хўжамбердиевнинг бастакорлик фаолияти ранго-ранглиги ва сермахсуллиги билан мусика санъати ихлосмандларининг эътиборини қозонмоқда. Унинг чанг ижроси учун оркестр жўрлигида яратган уч қисмли «Сюта»си, «Шодиёна», шунингдек «Наврўз наво-си», «Гулчехра қиз ўйна-син», «Саболар айтиди», «Етказса саодатга» каби турли мавзулардаги ўнлаб қўшиқлари халқимиз маънавиятини шакллантиришда ва ўзбек миллий маданиятини янада юксалтиришда муносиб ҳиссасини кўшмоқда. Халқимиз орасида яна шундай бахтга мушарраф бўлиш ҳар бир ижодкорга ҳам насиб этсин.

Рустам НЕЪМАТОВ,
профессор.

ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК



Мамлакатимизда бутун дунёда катта қизиқиш билан сеvim бўлиб келган теннисга нисбатан қизиқиш кун сайин жиддийлашиб, оммавийлашиб бормоқда. Биз бунга асосан профессионал теннис устозларининг қўлла кўришган ютуқларида, шунингдек, юртимизда ўтказилаётган тур-



ли йўсиндаги мусобақалар мисолида яққол кўришимиз мумкин.

Қўлга киритилган ҳар бир ютуқ, албатта, ўз-ўзидан бўлмайдиган. Бунинг учун дастлаб иштиёқ, ҳавас, ҳаракат зарур. Чунки мана шу зарурий воситалар бор жойда ҳамиша имконият сари кенг йўл очилади.

Яқинда Тошкент шаҳридаги Собир Раҳимов туманида теннис ихлосмандлари учун яна бир қўлайлик яратилди. «Ёш футболчи», «Соғлом авлод», «Нур алоқа-сервис», «Ўзлунробита» ҳамда республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳомийлигида

Энди ушбу кўртларда Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги қўшида ташкил этилган теннис клубининг етакчи мураббийи Лола Гафорова биш теннисчилар ҳам қатнашди.

Нормурод МУСОМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
СУРАТДА: кўртларнинг умумий кўриниши; мураббий Лола Гафорова биш теннисчилар билан доимий машғул олиб боради.

ҚОНУННИ БИЛГАН — ХУҚУҚНИ БИЛАДИ

Ҳурматли таҳририят! Мен тақдир тақозоси билан соҳиб шўро тузуми даврида Афғонистондаги урушда қатнашиб, худди оғтириган касалтигим туғайли II гуруҳ ногиронлик пенсиясига чиққанман.

«Халқ сўзи» газетасининг 1997 йил 4 апрел сонидида Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг имтиёзлар ҳақидаги қарори эълон қилиниб, жумладан, унда 1997 йилнинг I апрелидан бошлаб 1941-45 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари, байналминал жангчилар, Чернобыль ҳалокатини тугатишда қатнашганлар ва I гуруҳ ногиронлари, 1997 йил I майдан бошлаб эса 1941-45 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушининг барча ҳарбий хизматчилари учун телефон абонент ҳақи тўловига 50 фоиз миқдорда имтиёз белгилашнинг тўғрисида гап боради.

Газетанинг шу қарор матни босилган 1997 йил 27 апрелдаги сонини олиб, мен ўзим яшайётган Шўрчи тумани алоқа бўлими ҳолимларига учрашсам, улар бу қарорнинг сизга тааллуқли жойи йўқ, деб раҳ жавобини беришди. Наҳотки улар ҳақ бўлишса?

Йўлдош НАБИЕВ,

Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги «Ободон» жамоа ҳўжалигининг «Шалдиқ» маҳалласи.

САВОЛ ЖАВОБ

Ҳурматли Йўлдош Набиев! Чиндан ҳам, «Халқ сўзи» газетасининг 1997 йил 27 апрел сонидида Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг имтиёзлар ҳақидаги қарори эълон қилинган. Агар сизнинг мақбۇлида баён қилингандек, Шўрчи тумани алоқа бўлими ҳолимларига бу қарор сизга тааллуқли эмас, деб жавоб қилинган бўлса, уларнинг бундай жавобини фақат таажуб билан қайд этишимиз мумкин, ҳолос.

Ҳақиқатдан ҳам республика Алоқа вазирлигининг 1997 йил 20 мартдаги 112-сонли ва 1997 йил 6 майдаги 165-сонли буйруқларига асосан, 1997 йилнинг I апрелидан бошлаб 1941-45 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари, байналминал жангчилар, Чернобыль ҳалокатини тугатишда қатнашганлар ва I гуруҳ ногиронлари, 1997 йилнинг I майдан бошлаб эса 1941-45 йиллардаги урушнинг барча ҳарбий хизматчилари учун ойлик телефон абонент тўловига 50 фоиз миқдорда имтиёз белгиланган. Республика Алоқа вазирлигининг юқоридagi буйруқлари ҳамон ўз кучини сақлаб келмоқда.

Демак, сиз амалдаги қонунларга қўра, афғон уруши қатнашчиси сифатида алоқа хизматларидан фойдаланишда 50 фоизлик ҳақ тўлаш имтиёзига эгасиз.

Р. СУЛТОНОВА,
ётакчи ҳуқуқшунос.

ОД-ҚАВО

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 15 июлда Қорақўлпо-ристонда ва Хоразм вилоятида ҳаво ўзгариб туриши, айрим туманларда қисқа муддатли ёмғир ёиши ва момақалдиқ бўлиши кўтилади. Кечаси 21-26, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади. Бухоро ва Навоий вилоятларида ҳавога бироз булут чиқади, ёмғирчилик кўтилмайдиган, ҳарорат кечаси 20-25, кундузи 24-29, кундузи 38-43 даража атрофида бўлади.

Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида ҳаво кам булутли бўлади, кечаси 19-24, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади. Пойтахт вилоятининг тоғли туманларида ёмғирчилик кўтилмайдиган, кечаси 15-20, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳаво кам булутли бўлади, кечаси 22-27, кундузи 38-43 даража, Фарғона vodiysидagi вилоятларида кечаси 18-23, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво кам булутли бўлади, кечаси 20-22, кундузи 37-39 даража иссиқ бўлиши кўтилади.

Маданият хабарлари

Янгиликка ошно мусаввир

Ўзбекистон Бадий академиясининг марказий кўрғазмалар залида таниқли расом Ортиқали Қозоқов асарлари кўрғазмаси очилди. Талбир мўйқалам устасининг ижодида бағишлаб «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни томонидан чоп этилган янги рисола-альбом тақдироти билан уйғунлашиб кетди. Альбом мусаввирнинг турли мавзуларда яратилган саксон олти асарини ўз ичига олган бўлиб, унда таниқли расом ва санъатшунослар, адиб ва журналистлар, хоржий давлат арбобларининг Ортиқали Қозоқов ижоди ҳақидаги самимий сўзлари ҳам битилган.

Маросимда сўзга чиққан «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош директори Исом Шогўломов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров, Ўзбекистон халқ рассоми Рузи Чориев таъкидлаганидек, расом ижодада ўз йўли ва мавзусига эга. Унинг асарларида ҳаётини фалсафа замонавийлик ва миллийлик билан ҳамоҳанг тарзда намойён бўлади.

(ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ

Тошкент вилоятида қуйидаги иш ва хизмат кўринишлари юзасидан вилоят божхона бошқармасининг қурилиш объектларида қатнашиш учун

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- умумқурилиш ишлари,
- пардозлаш,
- ички маҳсус монтаж ишлари,
- алоқа,
- сигнализация ва шу кўринишдаги ишлар,
- мебель ва инвентарь.

Танловда қатнашишни истовчилар ўз таклифларини қуйидаги телефонлар орқали билдиришлари мумкин:

Тел: 162-53-49, 64-94-69.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСАЛАР
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ
Таҳрир хайъати: М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), А. Жабборов, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Пак (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, Л. Спиридонов, Р. Фарҳодий, И. Худоёров, И. Шогўломов, Ў. Хошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Хатлар бўлими 136-29-89, 133-07-48; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Чет эл технологияси ва хомашёсидан лак-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи Марказий Осиёда ягона қўшма корхона

«Лок колор ситтез» ЗАВОДИ

янги арзонлаштирилган нархларда

УНИВЕРСАЛ ЭМАЛЛАРИНИ, ФАСАД ЭМАЛЛАРИНИ, МАТЛИ ЭМАЛЛАРИНИ, ШИФТ ВА ДЕВОРЛАР УЧУН БЎЁҚЛАРИ, РАНСИЗ ЛОК (ПФ 283 га ўхшаш), ШПАТЛЁВКА ВА УНИВЕРСАЛ ЭМУЛЬСИЯ ЕЛИМИ (ПВА га ўхшаш)НИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

СОТИБ ОЛАМИЗ: сиккатив, флоторреагент, 0,25x712x820 ўлчамли ЭЖК, ГЖК оқ ва ЧЖК қора тунукалари.

Манзилуимиз: Тошкент, Фарғона йўли, 35. Тел.: (371) 191-44-46, 191-47-41. Факс: (371) 191-74-63.

Ўзбекистон Республикаси Президентини дeволи жамoаси де-воли масъул хoлми Лев Владимирович Ленинга оид Олга Исoфoвa ЛЕВИНАнинг вафoти мунoсабати билан чoқур тaъзия илхoр этaди.	«Халқ сўзи» газeтаси жамoаси газeта таҳририятининг мух-бири М. Йўлдошeвaга оид ХИРОЖИЛДИН ОТАЕВИН вафoт этганини мунoсабати билан чoқур тaъзия илхoр этaди.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банк жамoаси Марказий банк ахборотлaрини депaртaментининг директори К. М. Умoровга оид Лaтофeт ЮСУПОВАнинг вафoт этгани мунoсабати билан чoқур тaъзия илхoр қилaди.	Биринчи Тошкент Дaвлат тиббoйи институтини ректорaти, клиникa, жамoат тaъликлaри ва институтининг жaрoхдон касaлхoнaлари 6-7-курс кaфeдрaсининг жамoаси шу кaфeдрaнинг ассeнтeнти, тиббoйи фaкультeти профессoри Аълaмжoн ШАРОФУЛЛАЕВ ва унинг рафиқаси МУХАББАТОНАБДИН вафoт этганини мунoсабати билан чoқур тaъзия илхoр этaди.
«Ўзбекистон миллий энциклопeдиeси» Дaвлат нaмoйи напирeти жамoаси нашриётининг етaкчи илмий мухaррири Илхoм Султоновга оид Баҳром СУЛТОНОВнинг бевақт вафoт этганини мунoсабати билан чoқур тaъзия илхoр қилaди.	Тошкент Дaвлат исламий университeти ректорaти ва кaсaба уюмaси қўмитаси биринчи прoфeсoр Илмoн Сaифидинoвга оид Маҳмoдoвoн САИФИДИНОВнинг вафoт этганини мунoсабати билан чoқур тaъзия илхoр этaди.
Ўзбекистон Республикаси Дaвлат мулки қўмитасининг кўчмaс-мулк сaрмoялар Агeнтствoи жамoаси бoш мутaхассис Ба-дурoн Илoмoвга волидaи мухaррaмaлари МУНИРАХОН АЛИЕВ вафoт этганини мунoсабати билан чoқур тaъзия илхoр этaди.	Ихтисoслaнтирилган акционерлик-тижoрат «Пaхта-банк» Бoшқaруви, кaсaба уюмaси ва жамoаси бaъзилгини масъул хoлми Тўрaқдa Жумaев БЕКМАТОВнинг бевақт вафoти мунoсабати билан мaҳкумнинг оидaси ва дуст-биролaригa чoқур тaъзия илхoр этaди.

Рўйхaтдaн ўтиш тaртиби № 00001
Буюртмa Г — 0173, 34365 нусхaдa бoсилди, ҳажми — 2 тaбoқ. Офeтс усулидa бoсилган.
Қoғoз бичими А-2
Гaзeтa ИВМ кoмпьютeрлaри тeрмaли ва oпeрaтoр Сeргей ЛУКИН тoмoнидaн сaҳнaлaнди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бoсмaхoнaси. Корхoнa мaнзил: «Буюк Тўрoн» кўчaси, 41. Бoсишгa тoпишириш вaқтi — 21.00 Бoсишгa тoпиширилди: 21.45 1 2 3 4 5 6